1991 — 1998


МУСТАҚИЛЛИК

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ МАНГУ ЯШАСИН!

1991 — 1998

МУСТАҚИЛЛИК

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган табрик нутқи



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Барчангизни мустақиллигимизнинг етти йиллик шодиёнаси — халқимизнинг Миллий байрами билан самимий муборакбод этаман.

Дарҳақиқат, мустақиллик байрами Ўзбекистон аталмиш гўзал ва қадимий, бетакрор ва табаррук заминда яшаётган ҳар қайси инсон учун, Ватанимизнинг ҳар бир фарзанди учун энг азиз, энг улуғ байрамга айланиб қолди.

Етти йил давомида амалга оширган ишларимиз бамисоли етмиш йилга тенглашиб, мамлакатимиз қиёфасини, юртимиз жамолини бутунлай ўзгартириб юборди.

Етти йиллик босиб ўтилган йўлимизга, янги тарихимизга назар ташлар эканмиз, мана шу даврда ҳаётимизда қандай ўзгаришлар рўй бергани, нималарга эришганимиз ҳақида сарҳисоб қилар эканмиз:

— аввало, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимиздаги ислоҳотлар ва янгиланишлар орқага қайтмайдиган тус олганини тўлиқ ишонч билан айтишга ҳаққимиз бор;

— истиқлол туфайли тобора обод бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, қад ростлаётган янги-янги замонавий корхоналар, маданий-маиший иншоотлар, кўприклар ва йўллар, бир сўз билан айтганда, иқтисодимизнинг тобора ўсиб мустаҳкам бўлаётганига, давлатимизнинг салоҳияти, куч-қудрати юксалаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз;

— халқаро ҳамжамиятда ва жаҳон бозорида мамлакатимиз ўрни, обрў-эътибори ва нуфузи ошиб бораётганини катта мамнуният ва ифтихор билан тан оламиз;

— энг муҳими, одамларимизнинг дунёқараши ва тафаккури, маънавий қиёфаси ўзгараётгани, ўзлигини англаб бораётгани, жамиятимизда аҳиллик, мурувват, меҳр-оқибат каби олижаноб фазилатлар, эл-юртимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётганини, эртанги кунга ишончимиз кучаяётганини таъкидлаймиз.

Бир сўз билан айтганда, етти йил давомида биз келажагимиз пойдеворини қўйдик, истиқлол дарахтининг чуқур илдиз отишига, фарзандларимиз бахт-саодати йўлида эркин ва фаровон турмуш барпо этишга замин яратдик.

Буларнинг барчасини Худонинг ўзи меҳнатсевар ва фидойи халқимизга инъом этган бебаҳо неъмати деб қабул қиламиз ва Яратганимизга чексиз шукроналар билдирамиз.

Халқимизда *«Етти қиш, етти ёзни омон ўтказган иморат асрлар бўйи салобат тўкиб туради»*, деган ҳикмат бор. Бугун Ўзбекистоннинг заҳматкаш ва бунёдкор халқи барпо этаётган мустақиллик иморати ҳам ана шундай мустаҳкам ва мангуликка дахлдор бўлиб қолажак, иншооллоҳ.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Барчамиз яхши биламизки, ўтган йиллар давомида эришган ютуқларимиз осонликча бўлмади. Етти йиллик янги тарих бизни ҳақиқий миллат сифатида имтиҳон қилди, сабот ва иродамизни синади.

Йўлимизда дуч келган машаққатли синов ва тўфонларни ягона халқ бўлиб, яхши-ёмон кунларда қийинчиликларга бардош бериб, бир-биримизга суяниб, ҳамжиҳатликда енгиб ўтдик.

Биз бугун яхши биламизки, олдимизда турган вазифалар ва муаммоларни ечиш, одамларнинг эҳтиёжларини қондириш, уларни рози қилиш учун ҳали кўп-кўп меҳнат қилишимиз даркор.

Агарки мендан олиб бораётган сиёсатимизнинг энг долзарб, энг устувор вазифаси нимадан иборат, деб сўрашса, мен шундай жавоб берардим:

Энг аввало — халқимнинг омонлиги ва фаровонлиги, обод Ватанда эркин ва озод ҳаёт кечириши. Бу вазифанинг нақадар мураккаб ва оғирлигини холисона тасаввур қилиб, танлаган йўлимиздан қайтмасдан, ислоҳотлар маъно-моҳиятини теран англаб, бир ёқадан бош чиқариб, бошлаган ишимизни охирига етказишимиз даркор.

Биринчилар қаторида мулк масаласини оқилона ҳал этиш, ҳақиқий мулк эгаларининг йўлини очиб бериб, уларнинг жамиятдаги нуфузини оширишга қаратилган сиёсатни изчил давом эттириш зарур.

Тараққиётимизнинг яна бир муҳим шарти — ҳаётимизда сақланиб келаётган эски замон асорат-иллатларидан тезроқ халос бўлишдан иборат.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Шу заминда яшаётган ҳар қайси оила, ота-она учун, жамиятимиз ва давлатимиз учун энг катта ишонч-таянчимиз, суянчимиз — ўсиб келаётган ёш авлод, севимли фарзандларимиздир.

Ёшларимизнинг билимга чанқоқлиги, мутелик ва қуллик асоратидан бутунлай озод экани бизни чексиз қувонтиради.

Бизнинг муқаддас бурчимиз — жондан азиз болаларимизга замон талаблари даражасида билим бериш, уларни ҳақиқий ватанпарвар ва юртпарвар этиб тарбиялаш, вояга етказишдир.

Бугун эркин, барқарор ва фаровон ҳаёт қуришни истар эканмиз, бунинг энг муҳим, энг зарур гарови — юртимиз ҳавфсизлигини, чегараларимизнинг дахлсизлигини, кўпмиллатли Ўзбекистон фуқароларининг тотувлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдир.

Бизга яқин қўшни бўлган ўлкаларда авж олган сиёсий беқарорлик, ўзаро адоват, ижтимоий ларзалар, биродаркушлик урушлари, афсуски, барҳам топганича йўқ.

Атрофимизда бизга ҳавас билан қарайдиганлар билан бирга, ҳасад кўзини тикиб турганлар ҳам йўқ эмас. Бундай вазият барчамизни доимо огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишга, ягона уйимиз, қўрғонимиз, муқаддас оиламиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлашга даъват этади, фидойиликка чорлайди.

Азиз ватандошларим!

Мана шундай ҳаяжонли дамларда одамнинг кўнгли беихтиёр шеър ёки қўшиққа тўлиб кетади. Минг афсуски, мен шоир ёки қўшиқчи эмасман.

Агар Тангри таоло менга шундай истеъдод берганида эди, барчангизга, азиз дўстларим, қадрдонларим, шеърлар битган, қўшиқлар бағишлаган бўлардим. Лекин мен шу гўзал ва мўътабар оқшомда қалбимдаги энг самимий, энг эзгу туйғуларимни изҳор қилишим, айтишим зарур:

— Мен ҳаммангизни севаман! Ҳаммангизга соғлиқ-омонлик, бахту саодат тилайман!

— Мустақиллигимиз мангу яшасин!

— Эл-юртимиз омон бўлсин!

— Бугунимиз ва эртамизни Оллоҳнинг ўзи ёмон кўзлардан, бало-қазолардан, офат ва фалокатлардан асрасин, эзгу ишларимизда мададкор бўлсин!

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 1 сентябрь, сешанба • № 106-107 (22.344).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Украина халқи ва ўз номимдан самимий табрикларимни қабул этгайсиз.

Украина билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлик давлатларимизнинг бундан буён ҳам равнақ топиши ҳамда мустаҳкамланиши, фаровонликнинг юксак даражасига етишиши, стратегик ҳамкорлигимизнинг янада янги босқичга кўтарилишига хизмат қилажагига ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, азиз дўстим, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ниҳоятда масъулиятли ишингизда муваффақиятлар, дўст ўзбек халқига эса тинчлик ва омонлик ҳамда равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила
Леонид КУЧМА,
Украина Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Азиз дўстим,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич ҳамда барча Ўзбекистон халқига энг самимий табрикларимни йўллайман.

Ўзбекистон халқи Мустақиллик йўлига кирган мана шу ажойиб кунда қанчадан-қанча авлодларимизнинг ўз аждодлари ерига ҳукмронлик қилиш орзуси ушалди. Ҳар бир халқнинг тарихий йўли жуда кўп мураккаб омил ва воқеаларга боғлиқ. Бу ўринда шуни афсус ва надоматлар билан қайд этишим лозимки, воқеа-ҳодисалар ҳар доим ҳам биз истаган даражада юз беравермайди. Аммо мақсадга эришиш йўлимиз қанчалик мураккаб бўлса, биз эришган ютуқларимизни шунчалик қадрлашимиз лозим.

Шу нарсага ишончим тўла комилки, Мустақиллик кунини нишонлаётган Ўзбекистон халқи эришилган ютуқлардан тўла қаноат ҳосил қилиши мумкин. Латвия Ўзбекистоннинг минтақада, шунингдек, бутун халқаро доирада барқарорлик ва хавфсизликка эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Чунки сўнгги пайтда Афғонистонда юз бераётган воқеалар барчани ташвишга солмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга хос дўстлик ва ҳамкорлик руҳида яшаш тамойилида ривожланаётган Латвия Ўзбекистоннинг вужудга келган вазиятдан ташвишига шерик ҳамда Сизнинг вазиятни барқарорлаштириш борасидаги барча саъй-ҳаракатларингизга тўла қўшилади. Назаримда, халқингизнинг маданий ва маънавий қадриятлари Ўзбекистоннинг бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланишига асос бўлади ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашга кўмаклашади.

Пировардида Сизни, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, шунингдек, Ўзбекистон халқини ёркин Мустақиллик куни билан қутлашга ҳамда Сизга сиҳат-саломатлик ва бундан кейинги фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса равнақ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром ила
Гунтис УЛМАНИС,
Латвия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Миллий байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сизни ва бутун ўзбек халқини Қозоғистон Республикаси халқи номидан ва шахсан ўз номимдан сидқидилдан қутлайман.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон ўз давлатчилигини мустаҳкамлаш ишида, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда катта муваффақиятларга эришди.

Ишонч билдириб айтаманки, Сизнинг олий давлат лавозимидаги жўшқин фаолиятингиз, мавжуд муаммоларни ечишдаги дадиллигингиз ва амалий ишларингиз Ўзбекистоннинг муваффақиятли ривожланишига бундан буён ҳам кўмаклашаверади.

Ишончим комилки, тарихи, маданияти ва тилининг муштараклигига, шунингдек, иккала давлатнинг ўзаро манфаатларига асосланган ҳамкорликни ривожлантириш қозоқ ва ўзбек халқларининг манфаатлари йўлида иккала мамлакатнинг дўстона муносабатларини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-соадат ва олиб бораётган фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилашни истардим.

Самимий эҳтиром билан,
Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни, бутун ўзбек халқини, барча ўзбек дўстларимизни миллий байрам — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан самимий табриклайман.

Биз Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги мавжуд муносабатларимиз билан фахрланамиз, ўзбек халқи билан дўстлигимизни юксак қадрлаймиз. Чунки бу дўстликда ташқи сиёсий алоқаларимиз тизимидаги устувор йўналишни ҳам кўрамиз.

Мустақиллигимизнинг дастлабки етти йили мураккаб сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, ўзлигимизни янги қиёфада тасаввур этиш йиллари бўлди. Бироқ Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар, иккала жигарбанд халқ ўртасидаги алоқалар ҳар қандай синов ва тафтишлардан юқори туради. Назаримда, бу ҳол барча туркман ва ўзбек сиёсатчиларига, давлатларимизнинг барча масъул фуқароларига доимий дастуриламал бўлмоғи лозим.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзаро шахсий муносабатларимиз ва бир-биримизга ишончимиз даражасини жуда юксак баҳолашимни алоҳида қайд этаман. Сизга сиҳат-саломатлик, ўзбек халқи равнақи йўлидаги меҳнатингизда муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром ила
Сапармурод НИЁЗОВ,
Туркманистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг етти йиллик байрами Сизни сидқидилдан муборакбод этишимга ва энг эзгу тилаклар билдиришимга имконият беради.

Ишончим комилки, Словакия билан Ўзбекистон ўртасидаги яхши муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бундан буён ҳам халқларимиз бахт-саодати, ер юзида барқарорлик ва тинчлик манфаатлари йўлида ривожланиб бораверади.

Эҳтиром билан,
Владимир МЕЧИАР,
Словакия Республикаси ҳукумати раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқига ғоят самимий қутловларимни изҳор этмоқчиман.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик бундан буён ҳам мустаҳкамланаверади.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва Ўзбекистон Республикасига абадий равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Ким Дэ ЖУНГ,
Корея Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан Вьетнам халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ва Ўзбекистон халқига энг самимий қутловларимни йўллайман.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларида ажойиб ривожланиш қадамлари қўйилганлигини қайд этиб ўтишдан бахтиёрман.

Ўзбекистон Республикасида фаровонлик ва бахт-саодат тобора ортиб бораверсин.

Президент Жаноблари, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва юксак лавозимингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Чан Дик ЛИОНГ,
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан самимий қутловлар йўллашимга ижозат бергайсиз.

Давлатларимиз ўртасидаги самимий ва дўстона муносабатлар халқларимизнинг ўзаро фойдали манфаатлари йўлида жадал ривожланиб боришига қатъий ишонч билдириш учун шу имкониятдан фойдаланишимга рухсат этгайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига бундан буён ҳам тараққиёт ва равнақ тилашдан бахтиёрман.

Бурҳониддин Юсуф ҲАБИБИЙ,
Индонезия Республикасининг Президенти

Ўзбекистон — онам — мунис, меҳрибон!..

Мустақиллик майдонидан репортаж







Улар иймон билди Ватанни

Пўрим кийинган, бахтиёрлик юз-кўзидан балқиб турган боладан сўрадим:

— Сенинг номинг ким?

— Мен — Ўзбекистонман, — деди у фахр билан.

Ўзбекнинг ҳеч бир байрами жозибали рақс, оромбахш куй ва жўшқин қўшиқсиз ўтмайди. Бу кун Тошкент куёв боладек салобат касб этган. Она-Ватан оналарнинг оқ сути билан гўдакларнинг қонида оқаётган муқаддас туйғу! Гул баргида илдиз ўз шаклини топганидек, келажак сардафтарида аждодлар руҳи тикланади. Аждодларимиз Ватанни кўз қаросидек асрамак, иймону эътиқодда сақламоқ учун заҳмат чекдилар. Улар сардафтарда ёзилаверди. Биз ўқийвердик. Балки ўрганмоқ учун ҳам ўқиш керакдир...

— Мен — Ўзбекистонман, — дейди ифтихор билан бахтга ёр ҳар бир бола.

«Ватан — онам, синглим...»

Ривоят қилишларича, бешафқат муҳорабадан сўнг асирликка тушган баҳодирни шоҳ сўроқ қилибди: «Эй, баҳодир! Ватанингни унут. Хизматимда бўл. Мулкимнинг ярми инонихтиёрингда бўлади. Йўқса, бошинг тиғнинг остида!» Баҳодир жавоб берибди: «Ватан — бу мен, ўзим. Унутмоқнинг иложи йўқ. Ватан — бу онам. Унинг оқ сути сабаб вужудимда яшайди. Онадан кечиб бўладими, эй шоҳ?!» Шоҳ чуқур ўйга толибди ва фармон бериби: «Барча лашкарбошиларни ҳузуримга чорланг!» Лашкарбошилар тўпланибди. Шоҳ эса баҳодирнинг сўзларини қайта-қайта такрорлайверибди. Ва: «Ватанни ўлдириб бўлмайди. Уни чопсанг ундан минглаб Ватан туғилади. Уни озод этинг!» — дебди сўзи сўнггида. Ватан — муқаддас она!..

Ривоят қилишларича, айлана йўлни узоқ билиб, буғдой экилган далани босиб ўтаётган бир одамни тутиб, қозига келтиришибди. Майсани босиш, топташ гуноҳ ҳисобланаркан бу ўлкада. Қози ундан: «Нечун тўғри йўл туриб, майсазорни пайҳон қилдинг?» — сўрабди. У: «Шу қишлоқда синглим яшайди. Дийдорига ошиқдим» — жавоб берибди. Қози жазолашга шошилмабди, узоқ китобларини титкилабди ва: «Эй биродарлар, қаранг-а, фақат бир ҳолатда, яъни сингилни кўриш учун бораётганда майсани босса кечириларкан. Гуноҳ ҳисобланмаскан». Тўпланганлар ҳайрат бармоғини тишлаб, осмонга қарашибди.

Сингил ёлғиз ака учун эмас, эл-улус, миллат учун Ватан каби муқаддас...

Истиқлол шодиёналари юракларда юракларга кўчади. Оилада ҳаловат топган одам кўчада хотиржам юради, меҳнатида файзу барака бўлади. Ватан ҳам оила. Унда ҳаловат топганлар базм гулшанида хотиржам кезинадилар. Кексалар: эл-юрт тинч, дастурхонинг тўкин, бағринг бут бўлсин, дея дуо қиладилар. Уларнинг дуоси бугун ижобат бўлган. Турфа гуллар, бежирим чечаклар лавҳалари байрамга тароват бағишлайди. Кечагина овозини созга жўрлаётган булбул энг сара қўшиғини бугунга атаб қўйгандек, завқли тароналар Ватан тимсолида янграйверади.


Гуллар юзларданми ранг олмиш бу кун

Ватан остонадан бошланади. Баркамол инсоннинг қалбида битта туйғу, яъни инсонга хос эзгулик яшайди. Икки дарё

(Давоми 2-бетда)

Дил изҳори

«Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир»



Юртимизда улуғ байрам шукуҳи кезиб юрибди. Халқимиз бу қутлуғ айём — Мустақиллик кунини ҳар йилгидек катта тантана ва эзгу ниятлар билан нишонламоқда. Ўзбекистоннинг барча гўшаларида шу азиз байрам шодиёналари давом этаётир. Ушбу кунда хориждаги миллатдошларимиз ҳам Ўзбекистон халқининг қувончига шерик. Байрам арафасида Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган бир гуруҳ ватандошларимиз она-юрт қувончини биз билан баҳам кўриш учун Ўзбекистонга ташриф буюрди. Уларнинг айримлари билан суҳбатлашиб, дил сўзларини ёзиб олдик.

Сафохонтўра ЖАЛОЛХОНТЎРА:

— Минг қатла шукрлар бўлсинким, биз соғиниб кутган кунлар ҳам келди — Ўзбекистоннинг Истиқлол байрамида иштирок этиш шарафига муяссар бўлаётганимдан беҳад бахтиёрман. Ахир, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Биз ватандошларимизга Саудияда истиқомат қилаётган барча ўзбекларнинг қутлуғ саломини, эзгу табригини олиб келдик.

Биз Истиқлол манғу давом этишини, мустақил Ўзбекистоннинг обрў-эътибори янада сарбаланд бўлишини Оллоҳдан тилаб қоламиз. Мустақил Ўзбекистон байроғи доим музаффар ҳилпираб туришини Яратганнинг ўзи насиб айласин. Айни дақиқаларда қалбимда зўр бир ҳаяжон бор. Ахир дунёда Ватандан ҳам муқаддасроқ яна нима бор? Бундай мўътабар кунлар қадрини, биздек тақдир тақозоси билан ўз Ватанидан айро тушган мардумлар айниқса яхши билади.

Биз доимо она-Ватан соғинчи билан яшаймиз, унинг ютуқларидан қувонамиз, ташвишидан изтироб чекамиз.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг довруғи оламга кун сайин кенг ёйилмоқда. Ўзбекистон эришаётган ютуқларни жаҳон тан олаяпти. Айтиш керакки, бу ютуқлар ўзбек халқининг йўлбошчиси, Президент Ислом Каримов юритаётган оқил ва доно сиёсат маҳсулидир. Мустақиллик байрамимиз барчамизга муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

Муминжон ТУРКИСТОНИЙ:

— Илгари она-юртимиз — Ўзбекистонга илк бора келганимда жигарбандларим юзида бугунгидек қувончни, ўзига бўлган ишончни, руҳий бардамликни сезмагандим. Унда Ўзбекистонимиз кўчаларида бугунгидек озодликнинг байроқлари ҳилпирагани йўқ эди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бизнинг руҳий оламимиз шундай мунаввар бўлдики, уни тасвирлашга сўз ожиз. Мана, бугун биз яна она-Ватан остонасига энг эзгу ниятлар билан келдик. Зеро, Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, деган гап бежиз айтилмаган.

Қаранг, Мустақиллик қанчалар ўзгартириб юборган одамларни. Еттинчи санада ҳам кўп ҳикмат ва маъно бор. Халқимизнинг озодлиги бизга туғилмас куч-қувват бағишлайди. Бу хайрли ғайрат энди бизни ҳеч қачон тарк этмасин. Истиқлол деб аталмиш улуғ ғоянинг давомлигини таъмин этиш учун астойдил меҳнат қилаётган халқимиз билан, шу халқни порлоқ келажак сари бошлаб бораётган Президент Ислом Каримов билан доимо биргамиз.

Аброр ҚИЛИЧЕВ ёзиб олди. (ЎзА)

Инсон қачон ўзлигини англади?

Фаришталар нурдан яралиб, уларга фақат ўзига ибодат қилиш буюрилди. Инсонни эса тупроқдан бино қилиб, сўнгра «Менга ҳамд айтишдан тўхтаб, инсонга таъзим қилинглар» деб фаришталарга амр қилинди. Фаришталар «Не сабабдин биз нурдан яралган малоиклар тупроқдан бунёд этилган инсонларга таъзим қиламиз? дейишганида, Худо хитоб айлаб деди: «Мен билган нарсани сизлар билмайсизлар!» Шундан сўнг инсонга ақл-заковат берилди, сўзлашга буюрилди. Атрофида бўлаётган ҳодисаларга, қалбида рўё бераётган сир-синоатларга мулоҳаза ва таҳлил қилиш учун фаҳм-фаросат ато этди. Шу фазилатлар туфайли инсон ўзининг Худонинг меҳри тушган мўътабар зот эканлигини, ҳатто унга нурдан яралган фаришталар ҳам таъзим қилишини англаб етди. Шу вақтдан бошлаб инсон ўзлигини англади, таниди. Ўзлигини таниш унга ғурур ато этди. Мана шу ғурур натижасида инсонда ерга, тупроққа меҳр пайдо бўлди, чунки, у энди ўзининг илдизи тупроқда эканлигини англаб етган эди.

Булар ота-боболаримиз фантазияси бўлиши мумкин, бироқ умуминсоний бу хислат вақтлар ўтиши билан турли хилда шаклланиш, сайқалланиш, инқироз, қайта тиклаш ва бир қанча мураккаб жараёнлардан ўтди. Тарихнинг залворли ғилдираги шитоб билан айлангани сари инсониятнинг баъзи бир вакиллари онгида ақл туфайли шаклланган ғурур устидан ҳукмронлик ва хўжайинлик қилиш истаклари устуворлик қила бошлади. Оқибатда инсонлар билан инсонлар ўртасида ўзаро жанжаллар, урушлар келиб чиқди. Натижа эса аён. Элат устидан ўзга бир элатнинг ҳукмронлиги бошланиб, бир халқнинг иккинчи халқ томонидан эркинлиги бўғилиб, ғурури топталиб, ҳуқуқ янчилиб, мағлуб томон кўнглига ёққан, ўзи истаган ишни қилолмайдиган, хоҳлаган томонига бора олмайдиган, ўзганинг ҳар қандай тўғри ёки нотўғри фикрига хос ва мос равишда бошини эгишга мажбур бўлган шарт-шароитда яшашга мажбур бўлди. Бунинг устига, болачақаси, қариндош-уруғи, элати, тупроғи, эрки топталаётгани ва бунга қарши ўзи ҳеч нарса қила олмаётгани унинг иззат-нафсига, ғурурига тегди. Ўзининг ким бўлганлиги-ю ва ҳозирда ким эканлиги, аждодлари тараққиёт босқичининг қай зинасида бўлганлигини ё суриштириб, ё ўқиб билиши ёки унга уқтирилиши, ёхуд англаши унинг қалбида «Нега? Нима учун?» деган изтиробли саволларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди. Мана шу туртки туфайли қалбида нуқта янглиғ пайдо бўлган норозилик хислари тобора улғайиб, ғалаёнга келиб, ахийри портлаш юз берди. Мана шу портлаш унинг миллий ўзлигини, маънавий ўзлигини англаш белгиси эди! Миллий ўзликни англаш нафақат мардлик, фидойилик, тупроққа, элга содиқлик, миллий ғоя учун кураш хислатларини юракка сингдирди, балки ҳурриятга эришиш, эришгач эса миллий ўзликни ўзгаларга бутун чиройи билан кўрсатиш, ўтган тарих саҳнасида ўзининг юқори поғонада бўлганлиги бекорга эмаслигини исботлаш ва муайян вақтда шу туғни янада баландроқ кўтарувчи ворислар борлигини намойиш қилиш учун ҳаракат қилишни ҳам қалбига жо қилди.

Ҳақиқат инкор қилишга кучи етмайдиган бир қонуниятни тан олишга мажбурмиз, яъни қайси миллат ёки халқ миллий ва маънавий ўзлигини теран англаган бўлса, ўша халқнинг фаровон турмуш кечириши ўзгалар ҳавас қиладиган даражада бўлиши турган гап. Зотан уларда мана шу фаровонлик даражаси ҳам зинапоясимон ривожланишда давом этаверади. Чунки, бу хислатни қалбига жо қилган халқ миллий ва маънавий ўзлигининг ўзгаларга нисбатан афзал жиҳатларини кўрсатиш учун бор имкониятларини ишга солиш ва қидириб топиш хусусиятларини ҳам ўзлаштириб олган бўлади.

Искандар Мақдуний гуллаб-яшнаган воҳа — Катта Оқуз (Амударё ва Яксарт, яъни) Сирдарё оралиғининг кўп қисмини босиб олганида ерли халқдан ва барча хазиналардан энг аввало китобларни йиғиштириб олди. Уларни Яксарт бўйида уч кеча-ю кундуз ёқиш билан машғул бўлди. Бу китоблар орасида жамият, табиат, тиббиёт қонунлари ва тарих битиклари ёзилган «Авесто» китоби ҳам бор эди! Улуғ аллома Абу Райҳон Беруний бу китобнинг тилло суви билан 12000 қорамол терисига ёзилган саҳифалардан иборат эканлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Худди мана шу ҳол ҳайрон қоларли бир саволни туғдиради: дунёда биринчи марта илми донишлик Академиясини ташкил қилган буюк олим Афлотуннинг шогирди Арасту таълимини олган, ҳуқуқ, хандаса, жуғрофия, донишмандлик, илми мантиқ, табобат илмларидан яхшигина хабари бўлган кенг маълумотли Искандар Зулқарнайн нега бундай даҳшатли жиноятга қўл урди?! Ахир, ўша пайтлари ҳам китоблар муқаддас саналганку!

Бу саволга жавоб бериш учун улуғ фотиҳнинг ўзига мурожаат қиламиз: «Бир халқни тамоман ўзингга бўйсундириш учун энг аввало шу халқнинг тарихини йўқотиш зарур...» Унинг ақидаси шундай эди! Демак, улуғ шоҳ китобларни ёқишни ўз ҳукмронлигини бир неча юз йилларга чўзиш учун онгли равишда амалга оширган. Бу унинг учун жиноят эмас, балки мақсад сари йўналтирилган сиёсий тадбир эди!

Бир неча ўн йиллар мобайнида онгли равишда олиб борилган сиёсат туфайли ўзлигини тўлиқ англаб етмаган онгимиз ҳақиқатнинг Искандар Мақдуний қўллаган сиёсий тадбир замирида, шўролар сиёсати асосида нималар ётганлигини тушуниб етиш даражасидан анча узоқ бўлди. Бугунга келиб ўз тарихини билмаган ҳар қандай инсонни қаёққа етакласанг ҳам «Ҳа, шундай эканда тақдир» дея кетавериши мумкин эканлигини ойнинг қуёш нуридан товланиши сабабидан гўзал бўлишини тушунгандек фаҳмлаб етдик. Ўз тарихини билмаслик инсоннинг ўз илдизидан айрилганлик белгисидир. Зеро, инсоннинг илдизи — бу киндик қони тўкилган тупроқ, ўзи мансуб бўлган миллат ва маданияти тарихи.

Мана шу илдизлардан ажратилган инсон нафақат миллий ўзлигини, балки шахсий ўзлигини ҳам, ўзининг «Мен»ини ҳам ҳеч қачон англай олмайди. Бундай инсонларга кундалик тирикчилигини ўтказиш учун шарт-шароит яратиб берилса бас, шунинг ўзи унинг учун етарли. Бунинг устига турмуш ташвишларини бир қадар енгиллатиш учун озгина яхши муҳит ҳам яратиб берилса борми, хурсандлик ва миннатдорчилик изҳор этиш учун сўз ҳам топиб бера олмай қолади. Энди у ўзини ўзгартиришни хаёлига ҳам келтирмайди. Энди унинг тепса тебранмас манқуртга айланиши ҳеч гап эмас. Унга ўзлигини англатиш жуда қийин муаммо.

«Кимки ўзини ўзгартирмаса, уни ҳеч ким ўзгартира олмайди» деб бекорга айтилмаган, ахир! Ўзини тўла англаб етмаган инсоннинг тафаккур доираси жуда тор бўлади.

А. Ориповнинг «Тилла балиқча»сига ўхшаб, дунё шу эканда, деб юраверади. Инсон ўзлигини бир қадар англаб етган тақдирдагина атрофда бўлаётган ҳодисаларга, салбий оқибатларга бефарқ бўлмайди, балки маданияти, ҳуқуқи топталаётганида ҳеч бўлмаса «Нима учун?» деган саволни беради. Турмуш ва меҳнат шароити, фаровонлик даражаси, турмуш тарзи бошқа халқларникидан паст эканлигини кўриб, «Нега шундай?» деган жумбоқни ечишга, унинг туб илдизини аниқлашга ҳаракат бошланади. Ҳаракат бошланадими, тамом, фаровонлик сари олға силжиш шиддат билан бошланиши турган гап.

Ўзликни

Миллий ўзлигини англаб етган халқ 50-100 йилдан кейин нималар бўлиши тўғрисида фикр юритиб, шунга мувофиқ дастурлар тузаётганида, у ўзига ўзи: «Ҳе, бугунингни ўйлайвермайсанми? Эртага ким бор, ким йўқ...» дея минғирлаб қўймайди. Ўз қобиғига ўралиб қолган дустаманга айланмайди.

Шу ўринда бир тарихий фактни эслаш жоиз. 1872 йилнинг 14 ноябрида Туркистон генерал губернатори фон Кауфман Александр II га хат йўллайди. Унинг мактубида шундай сўзлар бор: «Биз Оролни ўйлашимиз керак. Биз шундай қилишимиз зарурки, Амударё ва Сирдарёнинг сувлари Оролга етиб бормасин. Бу сувлар пахта учун ишлатилсин. Оролга эса Сибирдан сув келтириш лозим. Ана шундагина Туркистонни мустамлака сифатида узоқ вақтлар тутиб туришимиз мумкин бўлади...» Агар эътибор қилинса, фон Кауфманнинг бу таклифи ҳам узоқ йилларга мўлжалланган сиёсий тадбир эди! Мана шу сиёсий тадбирни амалга ошириш учун бўлган уринишларга ўзимиз гувоҳ бўлдик-ку, ахир! Демак, миллий ўзликни англамаслик қуллик ва жаҳолат ботқоғида ётаверириш билан баробар ва шунга олиб келиши турган гап.

1991 йил. Йўлимиз тушиб, Шаҳрисабзга бордик. Оқсаройнинг нафис нақшин деворлари булутларга елка тираб, қуёш нуридан ажиб тарзда

Ўзбекистон — онам — мунис, меҳрибон!..

(Давоми. Боши 1-бетда)

оралиғида фавворадек кўкка отилаётган булоқ аждодлар экиб қолдирган ниҳолларга комиллик сувини ичираверади. Боболар орзуси истиқлолнинг етти йиллигида янада тийранроқ амалга ошмоқда — биз дунё танигандик, бизни дунё таниди...

Истиқлол шодиёнаси руҳи сўз ғилофига калит солади. Дарчадан эсган шабада оламни муаттар айлагандек, унинг шукуҳи, таровати борлиқни тутади. Куйга-куй уланди, диллар раққоса хиромига йўғрилди. Гуллар юзларданми, юзлар гулларданми ранг олди бугун. Гўё фасллар келинчаги, уйғониш чечаги бугундан бошланганидек. Гўё мудроқ кўзларини уқалаётган майсалар — тиллари бийрон майсалар истиқлолимизни шарафлаётгандек.

Байрам қутлови

... 31 август, соат 19.30. Пойтахтимизнинг Бош майдони — Мустақиллик майдони байрамона безатилган. Ранг-баранг чироқлар улкан саҳнани ёритиб турибди. Саҳна атрофида тарихимиз ва бугунимизни эслатувчи рамзий миноралар қад ростлаган. Барча байрам тантаналари бошланишини кутмоқда.

Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар, Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг вакиллари ташриф буюрган. Шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари вакиллари, халқаро ташкилотлар ходимлари ҳам шу ерда ҳозир бўлишган.

Майдонга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кириб келади. Байрам қатнашчилари давлатимиз раҳбарини олқишлар билан кутиб оладилар. Тантаналар бошланганидан дарак берувчи чорлов мусиқаси янграйди.

Президентимиз Ислом Каримов табрик нутқи сўзлайди. Тантана қатнашчиларини, улар сиймосида бутун Ўзбекистон халқини улуғ байрам билан қутлайди.

Сен — Ўзбекистонсан!

Сен бугун бунчалар ҳаяжондасан! Кўзларингдаги севинч нурлари бутун оламга тафт бермоқчими? Ёки бағрингга қаттиқ-қаттиқ босаётган фарзандингни биринчи маротаба кўриб турибсанми? Тонг саҳарда хонадонингга хуш насим қаёқдан келиб урилди ўзи? Кулбангнинг тўр-тўригача кириб борган қуёш меҳмонингми?

Бу шодлик, бу қувонч, бу севинч, шууримдаги сабабини ўзинг англаб етмаган ғайритабиий қувват қаердан? Балки Чўлпондан, ё Қодирийдандир? Сени кўчага ундаётган куч ўша Мадаминбекнинг қўлига қилич ушлатган иродадир балки!

Нима бўлгандаям Сендаги кайфият тезда кичкинтойнинг чеҳрасида ҳам зуҳур қилади. Қўлларингдан маҳкам тутганча ортингдан чопқиллаб бораётган бу гўдак эса хаёлларимни чилпарчин этади. Кўзимни юммасдан туш кўра бошлайман, бир ажойиб, бир ғаройиб туш.

... Болакай қўлингдан сирғалиб чиқади. Боши узра учиб ўтган қушнинг кетидан нималардир дея югуради. Майли, унга тегинма! У мустақиллик истамоқда! Унинг қонида боболар шижоати жўш уриб кетди! У ОЗОДЛИК фарзанди! У буюк келажак қурувчиси!


Жажжигинанг яна сендан сергакроқ эканлигини исбот этади: — Эшитяпсизми, қўшиқ янграяпти! Энди Сен ҳам сергак тортасан. Ҳа, узоқдан дилни титратадиган оҳанг таралаётир.

— Мустақиллик майдонидан бўлса керак!

— Нега энди айнан Мустақиллик майдонидан?

Сен шошилиб қолдинг. Йўқ, мен бу билан сени айбламоқчи эмасман. Ўрнингда бўлсам балки мен ҳам шундай аҳволга тушган бўлардим. Ахир, биз ... Йўқ-йўқ, яхшиси болакайга тезроқ жавоб бер. Унутмаки, унинг саволлари ҳеч қачон жавобсиз қолмаслиги керак. Ахир, Сен ҳам саволларингга на ота-онанг, на ўқитувчиларинг лом-мим демаган пайтлар эзилгансан, ичингда нималардир узилиб кетган, нималардир йўқотаётганингни ҳис қилгансан. Бугун эса англаб турибсан, ўша нималардир аслида жуда катта нарсалар эди. Ўша бир оғиз жавобни эшитмаганинг онларда йўқотганларингни, мана, энди тиклаш жуда оғир кечмоқда. Яхшиси бўлақол, тезроқ жавобингни айт, билганингча, тушунганингча айт!

— Ахир, бугун Мустақиллик байрами, болам! Боболарингнинг армони, Менинг ушалган орзуим, Сенинг БАХТинг — МУСТАҚИЛЛИК! Болажоним, Сен ана шу БАЙРАМнинг боласисан. Кўзларингда унинг акси бор. Буни кейинроқ ўзинг билиб оласан. Яна шуларни ҳам қулоғингга қуйиб олгинки...





Сен жуда узоқ гапирдинг. Тўғри қилдинг. Эшитиб мен ҳам роҳатландим.

Ана, Мустақиллик майдонига ҳам яқинлашиб қолдинг. Фарзандингни елкангга кўтар, сендан кўра тепароқда сайр қилсин, сендан кўра кўпроқ кўрсин.

—Вой-вуй, — дейди у, — бунча одам, улар нима қиляпти, кимлар ўзи улар?

— Бу одамлар қувончдан уйига сиғмаганлар, Биз каби бахтли инсонлар, ватандошларинг...

Топиб айтдинг! Жавобингдан ўзинг ҳам севиниб кетганинг бежиз эмас. Ахир, Ўзбекистон боланинг тасаввурида ана шундай муҳрланиши керак.

— Дадажон, эшитяпсизми, Бизни табриклашяпти!

— Эшитяпман, болам, эшитяпман!!!

Овозинг шу қадар жаранглаб чиқдики, ўзинг ҳам сергак тортгандек бўлдинг:

— Болам, кўряпсанми, биз кичкина халқ эмасмиз!

Сен бугун яхши биласан, ўшанда Сени алдашганди. Тўғрироғи, ўзлари алданган эдилар. Бугун эса бутун ҳақиқатдан воқифсан. Кичкина эканлигингни эмас, буюк эканлигингни англаб турибсан. Яна бир бахтинг шундаки, энди Сен болангни алдамайсан.

Шуларни хаёлингдан ўтказасану елкангдаги кичкинтойнинг бошини эгиб секин шивирлайсан:

— Болам, Сен ҲАҚИҚАТнинг фарзандисан!

Жажжигинанг эса мулойим жилмайиб бошини силкийди. Сенинг ичингдагиларни билиб тургандек гўё. Шунда яна кўзларинг намланади. Биласан, буниси севинчдан, чинакам севинчдан.

Куй кетидан куй, қўшиқ кетидан қўшиқ, рақс кетидан рақс давом этади. Сен эса уларни бир-биридан ажрата олмайсан. Ҳар бир оҳанг, ҳар бир қўшиқ сатри, ҳар бир рақс ҳаракати Сен учун Ватан мадҳи бўлиб туюлаверади. Саҳнадаги жажжигина болакайларнинг санъаткорона хатти-ҳаракати Сени лол қилади.

Бегубор болакайларга ҳавас билан боқасан: — Илоҳим, боболарингнинг руҳи шод бўлсин! Уларга содиқ фарзанд бўлмоқ учун вақт етилгани рост бўлсин!

Шунда Ўзбекистонни акс эттириб турган чироқлар орасидаги «Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати» деган жумлага кўзинг тушади. Тўғриси, бу гапни аввалларидан ҳам эшитгансан. Аммо, бугун ўша имкониятларни ростдан ҳам кўргандек бўлдинг. Ҳар бир ватандошнинг кўзида ана шундай ишонч порлаб турибди. Улкан имкониятлар ана шу одамларнинг қалбида, елкангдаги жигаргўшангнинг, ўзингнинг юрагингда гупуриб турганлигини англай бошладинг.

Энди болакайнинг бошини силайсан: «Сен — Ўзбекистонсан!»

Бу гапларни эса мен Сенга ҳам айтган бўлардим. Ахир, Сен — Ўзбекистонсан!

Юрак, Озодликка чидай олсанг бас!

Сиз ФАХР туйғуси нима эканлигини биласизми?

Сиз биласизми ОЗОДЛИК деган сўз нақадар оғир?

Сиз ҳеч ўйлаб кўрганмисиз МЕН КИММАН ЎЗИ ДЕБ?

Биласизми, дунёда энг оғир савол-жавоб инсоннинг ЎЗИ билан ЎЗИнинг ўртасида бўлишини?

Ўйлаб кўрганмисиз дунёда энг оғир юк МУҲАББАТ эканлигини?

Мен энди-энди англай бошладим яшаш нималигини. Англаб бошладиму ҲАЙРАТ нима эканлигини кашф этдим.

ҲАЙРАТ бугун Ўзбекистоннинг юраги — Бош майдони — Мустақилликда бутун бўйбасти билан намоён бўлди.

Сўз айтмоққа тилим адашди.

Бундай пайтда Ўзбек бобом айтарди, Илоё, кўз тегмасин!

Ўзбек момом айтардики, Ёмон кўздан асрасин!

Мен эса адаша-адаша бир сўз айтдим:

ЮРАК, ОЗОДЛИККА ЧИДАЙ БИЛСАНГ БАС !!!

Ва бу сўз тилимда қачон туғилганини ўйладим. Топдим. Бундан етти йил муқаддам, айни шу кунда, юртбошимизнинг тилидан Ўзбекистон Мустақил бўлганлиги ҳақидаги илк хабарни эшитганимда, ўзимга-ўзим тасалли берган эдим. Қувончдан юрагим ёрилиб кетмаслиги учун ўзимга тасалли сўраган эдим. Юрагимга ялинган эдим. ОЗОДЛИК деган юкни кўтармоққа қодирмисан, деб сўраган эдим.

Бечора юрагим!

Қувончдан ёрилар чоғида тўхтади. Айтдики: шунча жабрларни кўрдим, шу кунни кутакута беэга кетган қабрларни кўрдим. Тўлиб-тўлиб тўкилмаган сабрларни кўрдим. Шукр, яна минг қатла шукрки, ОЗОДЛИКнинг майин-майин насимлари сочларимни силади. Бобомга насиб этмаган, отам соғиниб-соғиниб яшаган кунларга мен етдим. Ҳавасингиз келмаяптими менга, дўст!!!

Бу юрагимнинг айтганлари.

Мен айтдимки: Дўст, камалакни кўрганмисан? У ЕТТИ рангда товланади. Ровийлар ривоят қиладиларки, олам ЕТТИ осмондан иборат. Демак, ернинг ости ҳам ЕТТИ қат. Бобом айтарди, ЕТТИ авлодини билмаган Ўзбек Ўзбек эмас деб. ЕТТИ рақамида қут бор. Барака бор. ЕТТИ илоҳий рақам. Бундан ЕТТИ йил муқаддам туғилган болаларимиз эртага мактаб аталмиш муқаддас даргоҳнинг остонасини ҳатлайдилар. Улар ЎЗБЕКИСТОН аталмиш мамлакатнинг буюк келажаги бўладилар! Уларнинг орасида осмон илмини кўксида кўтаргувчи Улуғбеклар, Ернинг биз учун — бир Ватан — бошпана эканлигини ҳаммамизга яна бир карра исботлаб берувчи Берунийлар, Ўзбек шеърияти довруғини ЕТТИ жаҳонга тарқатувчи Навоийлар... ал-Хоразмийлар... ал-Фарғонийлар... Фаробий... ат-Термизий... ал-Бухорийлар борлигига шак-шубҳа йўқ бугун. Чунки, улар ЕТТИ йилликнинг илк қалдирғочлари. Чунки улар Она аталмиш Заминга қутлуғ бир кунда — Мустақилликнинг илк кунларида қадам босганлари билан ҳам буюкдирлар. Ўзбекистоннинг буюклиги, порлоқ келажаги уларнинг қўлида эканлиги билан ҳам фахрланасалар, арзийди улар. Ушбу сатрларни ёза туриб, мен уларга ҳасад қилмадим. Ҳавасим келди Мустақилликнинг ЕТТИ ёшга тўлган болаларига. Мен ҳам қайтадан туғилгим келди. Ўйладим, қани бугун ЕТТИга кирган бўлсайдим...

Кейин ўйлаб бошладим, қачон туғилган эдим ўзи? Мен неча ёшга кирдим?

Ва ҲАҚИҚАТни англаган чоғимда тилим тутилди. Мен бундан ЕТТИ йил муқаддам — ЮРАК, ОЗОДЛИККА ЧИДАЙ БИЛСАНГ БАС!!! — деб ҳайқирган куним дунёга келган эканман.

Менга ҳасад қилманг, ҳавасингиз келсин, дўст: Мен МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ тенгдоши — бугун ЕТТИ ёшга тўлдим!!!

Менга ҳасад қилманг, ҳавасингиз келсин, дўст: Бугун ОНА-ЎЗБЕКИСТОННИНГ юрагида унинг тантаналарига шерик бўлаяпман!!!

Менга ҳасад қилманг, ҳавасингиз келсин дўст: Мен ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАХР исмли фарзандиман!!!

Менга ҳасад қилманг, ҳавасингиз келсин, дўст: Мен ЎЗБЕКнинг ЎЗ БЕКнинг ЗЎР исмли боласиман!!!

Бор-йўғи ЕТТИга кирган бўлсам-да, менга ҳасад қилманг, ҳавасингиз келсин, дўст!!!

Мустақиллик майдонида биринчи менга юзма-юз бўлган одамни бағримга босаман. Тасаввуротларини сўрайман ундан.

Наманган вилоятидан Тўрамирза ОРИПОВ айтади:

— Дўст, менинг юрагимни кўраяпсизми? УНИНГ уришига қулоқ тутинг: ҳар уриши МУСТАҚИЛЛИК!!! МУСТАҚИЛЛИК!!! МУСТАҚИЛЛИК!!! деб ҳайқирмоқда. Мен ана шу муқаддас сўзнинг ҳар бир ҳарфи учун жон фидо қилишга тайёрман.

Қорақалпоғистонлик Бозорбой САПАРБОЕВ билан тиллашдик:

— Ҳей, бугунгидай тўйни дунё кўрмаган. Мен эркак бўлиб йиғламаганман, лекин бугун йиғлагим келаяпти. Юрагимга сиғмаган қувонч кўзларимдан тошиб чиқса не гуноҳ менда!

Навоийлик синглим Ҳилола АБДУЛЛАЕВА дейди:

— Қаранг, юртимнинг юраги, дунёдаги ҳамма ўзбекларнинг тилаги шу ерда эмасми? Мен бундан зўр байрамни кўрмаганман...

Синглим, МЕН, СЕН, БИЗ, УЛАР — Мана шу ЎЗБЕКИСТОН аталмиш ОНАмизни кипригимизда асраб яшаймиз. Мана шу ЎЗБЕКИСТОН аталмиш ОНАмиз бизни юрагига жойлаб яшайди, синглим!!!

Момом айтардилар: Ёмон кўздан асрасин!!!

Бобом айтардилар: Кўз тегмасин болам,кўз тегмасин!!!

Онам айтардилар: Ёмоннинг кўзини тескари қилсин!!!

Отам айтардилар: Ватаннинг орини, ўзини ёридек асраган фарзанд икки дунёда ҳам кам бўлмайди!!!

Имонингни асра болам!!! Имонинг Ўзингсан!!! Ўзбекligингсан!!!

Ҳаяжон суврати

Ўзбек халқининг бутун ҳаяжон, ҳайрат, илҳоми манзаралари пойтахтимизнинг Бош майдони саҳнида акс этди. Шу ерда булоқ бўлиб тошди. Эртаси бугундан-да мунаввар бўлишига ишонган халқига ана шундай катта тўй қилиши мумкин. Бу шодиёналарни қалб кўзи билан кузатган бутун дунё ҳам Ўзбекнинг келажаги буюк эканлигига имон келтирганига шубҳа йўқ.

Йўлбошчимиз шодиёналар якунида байрам саҳнасига кўтарилиб, эл-юрт эъзозлаган санъаткорларни бир-бир бағирларига босиб, миннатдорлик билдирганларида нафақат юлдуз қўшиқчимизнинг, балки менинг кўзларимдан ҳам ёш қуйилди, тўлқинланиб кетдим. Бу — Сўзга, Қўшиққа, Инсон Руҳига қанот бағишламайдими! Бу кўнгилга қанот бағишламайдими!

* * *

Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллик байрам тантаналарида Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур байрамни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ва Бош вазирнинг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов қатнашди.

Байрам катта мушакбозлик билан якунланди. Камалак мисол шуълалар самони нурга тўлдирди. Гўё бу шуълалар эртанги, янада ёруғ кунларимиздан дарак бераётгандек, етажак манзилимизни ёритаётгандек. Манзилимиз эса аниқ — келажаги буюк давлат қуришдир!

Мустақиллик майдонидан репортажни «Ўзбекистон овози» мухбирлари Салим АШУР, Ислом ҲАМРО, Юсуф ХУДОЙҚУЛ, Нурбек ТОШНИЁЗ тайёрлашди

* * *

Суратларда: байрам тантаналаридан лавҳалар. Ўктам ШАРИПОВ ва Абдувоҳид ТЎРАЕВ, Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ, Собир ЗУФАРОВ, Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

англаш моҳияти

товланаётгани бизни мафтун этиб турганида, узоқ йиллар Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган Акрамжон ака Акбаров секин гап бошладилар:

— Фрунзе аскарлари Шаҳрисабзни эгаллагач, эртага эрталаб қўёш чиқмасдан шаҳарнинг 7 яшаридан 70 яшаригача барча эркак зоти Оқсарой майдонига тўплансин, деб бутун шаҳарга жар солдирган. Ёлғонни ва муғомбирликни билмайдиган халқимиз содда эмасми, бирон бир муҳим нарса айтилса керак дейишиб, Оқсарой майдонини тўлдириб тўпланибдилар. Уларнинг атрофини Фрунзе аскарлари бир сўкиниб олди. Қўллари қалтираб, овози титраб гапира бошлади.

— 1963 йилнинг баҳорида бизни дарахт кўчатлари экиш учун Оқсарой майдонига олиб чиқишди. Барчамизда биттадан белкурак. Белкуракни ерга ботирганимни биламан, бир қаттиқ нарсага урилди. Иккинчи жойга белкуракни ботирсам, яна шу ҳол такрорланди. Қизиқиб, шу нарсани қавлаб олдим. Қавлаб олдиму, кўрқиб кетдим. У одамнинг калла суяги эди! Иккинчи жойни қавласам, у ердан панжа суяклари чиқди. Бошқа курсдошларим ҳам кўплаб суяклар топишди. Ўша куни то тушгача вақтимиз суяк қовлаш билан ўтди. Кавлаб олинган суякларни икки машинага юклашди-да, аллақаерга олиб бориб ағдарганлар. Ана энди шу суякларнинг 40-50 йил илгариги кўмилган одамларники эканлигига ақлим етди.

1992 йил. Бухоро аркининг салобатидан ғуруримиз ошиб, вайронагарчиликларидан ўта хафа бўлиб, ҳамроҳимиз, бухоролик машҳур ашулачи Баҳодир билан унинг дўстиникида озгина дам олдик. Гапдан-гап чиқиб, Баҳодирнинг дўсти гап бошлаб қолди:

— Мактабга бориб ва қайтадиган сўқмоқ йўл иккита баҳайбат тут дарахтлари тагидан ўтарди. Тутлар тагидан ҳар ўтаётганимда юрагимни аллақандай ваҳима босарди. Тутлар танасида ҳосил бўлган ковак ичида худди биров ўтиргандай бўлар, бундан баттар кўрқувим ортарди. Бир куни кечқурун ўша жойдан ўтаётганимда юрагимни шунчалик ваҳима босдики, уйга қандай югуриб кириб борганимни билмай қолибман. Оппоқ оқарган рангимни, кўрқувдан қалтираётганимни кўрган момом: «Ҳа, сенга нима бўлди, болам? Тинчликми?» деб сўрадилар. Мен бўлган воқеани айтиб бердим. Момом бир паст ўйланиб турдилар-да, кейин секин гап бошладилар:

— Эшит, болам. Билиб қўйганинг маъқул. Фрунзе аскарлари Бухорони олгач, мана шу сен кўрган икки тут тагида шу яқин атрофдаги барча ёшу-яланг, хотин-халаж, ҳатто таёққа суяниб юрадиганларни ҳам тўпладилар. Йиғилганлар орасида иккита норғул, барваста йигитларни ажратиб олишди-да, ҳе йўқ, бе йўқ, барчанинг кўз олдида отиб ўлдирдилар. Мен бу даҳшатдан қотиб қолдим. Мени қалин камар таққан аскарнинг жазавага тушиб гапиргани ҳушимга келтирди. Унинг нима деятганини таржимонидан билиб олдим:

— Кимда-ким бизнинг аскарларимизга қаршилик кўрсатса, уларни ҳам худди мана шу йигитларга ўхшаб отиб ташлаймиз...

Шундан сўнг Фрунзе аскарлари Бухорони уч кеча-ю кундуз талаш билан овора бўлди. Эҳ-ҳе, ўшанда не кунларни кўрмадик, болам. Мана шу даҳшатларнинг барчасига шу икки тут гувоҳ. Уларнинг бағридаги коваклар ҳам шу қулфатлар таъсиридан, болам...

... Мен шу гапларни эшитяпману, кўз олдимда аллақандай тушуниб бўлмас виқор билан от устида узангига оёғини тираб турган салобатли ҳайкал кўз олдимда гавдаланар ва «наҳотки!..» деган сўзлар миямда айланарди...

Хўш, Фрунзе бу ваҳшийликларни нима учун қилди? Бишкек шаҳрида туғилиб ўсган, Туркистон замини ҳавосидан нафас олиб, тузини, нонини еб каттарган бу баттол шу даҳшатларни амалга ошириш учун нега шахсан раҳнамолик қилди? Бугунга келиб маълум бўлдики, бу амалга оширилган даҳшатлар ҳам узоқ йилларга атаб мўлжалланган сиёсий табдирнинг бир кўриниши эди!

Ҳа, биз қизил империя ҳукмронлиги даврида мана шу маърифий хазиналардан баҳраманд бўлиш имконидан жудо бўлдик. Мустақиллигимиз давридагина мана шу имкон ўзимизга қайтарилди. Ана энди уларни изчиллик билан ўрганиш бошланди, қадриятлар тикланди. Мана шу сабабли ҳам айнан ҳозирги кунларда шарм-ҳаё, уят, иффат, ҳаром-харишдан ҳазар қилиш, инсоф-иймонни сақлаш, ҳурмат, эъзоз каби муқаддас туйғулар энг олий савиядаги тушунчалар сифатида юртимизнинг ҳар бир фуқароси онгидан мустаҳкам жой олган ва жой олмоқда.

Худо берган ақл-заковат туфайли, ҳамда ўзлигини англаган инсонлар ҳаракати туфайли тараққиёт юзага келади ва юксалади. Ўзликни англашнинг бош мезони эса илм. Демак, ривожланиш ва тараққиётнинг бош мезони ҳам илмдир. Мустақиллик илмнинг ривожланиши учун шундай бир илоҳий туртки бердики, мана шу туртки туфайли илмнинг барча соҳалари (маънавият, маърифат, ҳуқуқ, диний илмлар) катта ривожланишга юз бурган бўлса, баъзи бир бошқа бўғинлари эса муайян бир вақт оралиғида озми-кўпми каловланиб қолди-ю, сўнгра ўзининг дадил қадамларини ташлай бошлади. Масалан, адабиёт, тарих, тиббиёт, умуман гуманитар фанлар шундай ҳолни бошидан кечирди. Техникавий илмда, тиббиёт илмида, тарихни билишда ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолар борлиги бугунга келиб жуда аниқ ва аён бўлиб қолди. Хориж билан бўлаётган алоқалар ва ҳамкорликларнинг таҳлили бунинг яққол исботидир. Бунинг ўзига яраша туб илдизлари бор, албатта. Бир ярим асрдан кўпроқ вақтда ўтмиш ҳақида нотўғри тасаввурлар онгимизга мажбуран сингдирилди, тарихимиз ёлғон ёзилди, техникавий фанлардан мутлақо ажратиб қўйилдик, ишчилар синфи узилкесил шаклланмади. Мактаб ва олий илм даргоҳларидан эса амалдан кўра кўпроқ назарий ҳам чала биладиган ўқувчилар ва мутахассислар етиштириб чиқарилди, холос. Асосий вазифа ихтисослашган мутахассис эмас, балки диплом бериш эди. Ана энди мана шу кемтикларни тўлдириш учун чидам ва сабот, алоҳида илдамлик, тадбиркорлик ҳамда ватанпарварлик билан меҳнат ва ижод қилишга тўғри келади. Энг аввало, Президентимиз таъкидлаганидек, тарихни билиб, ўзлигимизни тўлиқ англашимиз, миллий-ғурурни юксалтирмоғимиз зарур. Мактаб ўқувчиларини фанни ўрганишга рағбат уйғотадиган, кучли истак пайдо қиладиган физика, химия, математика, кибернетика, электроника, тиббиёт, умуман, аниқ фанларга оид илмий-оммабоп китобларни ёзиб, чоп этмоқни замона зайлининг ўзи тақозо этмоқда. Қўшимча равишда шундай чора-тадбирларни қўлламоқ зарурки, токи аниқ фанларга бўлган қизиқиш ҳозирги пайтда ёшларнинг бозорўчар ва тижорат ишларига бўлган қизиқишидан бир неча баравар юқори бўлсин. Ана шундай мамлакатимиз ҳўжалигини беқиёс даражада юксалтирадиган, дунё бизнесменларини қизиқтирадиган кашфиётлар, ихтиролар, рационализаторлик таклифлари қўплаб қайд этила бошлайди, хорижий давлатларга ҳар хил лицензиялар сотиш кенг авж олади. Бундан эса давлатимиз обрўйи ошади, хазинаси бойийди.

Бунинг ҳақиқатан ҳам ана шундай эканлигини хорижий давлатлар мисолида аниқ-равшан кўришимиз мумкин. Масалан, 1990 йилда Япония ишчиларининг рационализаторлик таклифлари сони собиқ СССРнинг шу йилдаги рационализаторлик таклифларнинг 3/2 қисми ишлаб чиқаришга жорий этилган. Айтиш мумкинки, хорижда мана шунақа таклифлар киритиш ишчилар, хизматчилар, олимлар ўртасида оммавий тус олган ва мувофиқ равишда рағбатлантирилади. Чунки, бу таклифлар замирида катта моддий бойлик яратиш механизми ётади. Айтайлик, АҚШда янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишдан ҳар йили нақ 400 миллиард долдлардан кўпроқ фойда олинади.

Рационализаторлик таклифлари, ихтиро ва кашфиётлар сеҳрли таёқчани силкитганда ёҳуд соққани отганда олчи турадиган, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қоладиган неъмат эмас, балки машаққатли онгли меҳнат, ижодий ёндошиш натижасида рўёбга чиқадиган заковат хазинаси маҳсулидир.

Барча тараққиётнинг бошида илм туришлиги исбот талаб қилмайдиган аксиома. Бундан бир неча йиллар аввал АҚШ сенатининг: «Биз яна 100000га яқин олий маълумотли зиёлиларни мамлакатимизга қабул қилишимиз мумкин» деб, ақлу фузалоларни таклиф қилиши ҳам бежиз эмас. Чунки, бу ақл эгалари ва илм соҳибларига зарурий шарт-шароит яратиб берилса ва улар қулай муҳитда ижод қилсалар, халқ хўжалиги ҳамда саноатига баракали ва илғор таклифлар жорий этилиши турган гап эканлигини улар жуда яхши тушунадилар.

АҚШда ҳозирги пайтда 200 дан ошиқ Нобель мукофоти соҳиблари бор. Ана шулардан 170 га яқин олим бу унвонга Иккинчи жаҳон урушидан кейин сазовор бўлишган. Агар Нобель мукофотини берувчи қўмита Нью-Йорк ёки Вашингтонда жойлашган бўлса эди, ҳа, энди қўмита ўзида жойлашганидан кейин ўзларига ўзлари тақдим этаверадилар-да, деб айтса бўлур эди. Аммо бу Қўмита маркази Стокгольмда жойлашган, давлат ҳамда ҳукуматга бўйсунмайдиган мустақил ташкилот эканлигини назардан қочирмаслик лозим. Америка Қўшма Штатлари эса мана шу Нобель мукофотига сазовор бўлган мўътабар олимларнинг салоҳияти, ақл-заковати туфайли илмнинг кўп ва салмоқли соҳалари бўйича карвонбошилик қилмоқдалар.

Ҳа, бир олим ёки олимлар гуруҳининг ихтироси ёки кашфиёти халқ хўжалигига миллионлаб сўм даромад келтириши мумкин. Бунинг исботи сифатида тиббиёт оламида ўзига хос инқилоб ясаган илмий изланишлар натижаларини келтириш кифоя. Масалан, инсон аъзоларини кўчириб ўтказиш, қанд касаллигида қўлланиладиган митти электрон асбоб, магнит-ядро-резонанс аппаратлари, сунъий буйрак, сунъий юрак аппаратлари ва ҳакозолар.

Миллий ўзлигимизни тўлиқ англаб етадиган ва шунга мувофиқ баракали илмий-амалий ишлар билан жиддий машғул бўладиган пайт келди. Улуғ боболаримиз Хоразмий, Чағминий, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Замахшарий, Ал-Фарғоний ва бошқа буюк аллomаларимиз Биринчи Уйғониш Даврининг ўзига хос буюк кашшофлари эдилар. Буюк Амир Темур даври ва ундан кейинги бир неча ўн йилликлар Иккинчи Буюк Уйғониш Даври бўлди. Аслида Шарқ ҳар доим Буюк Уйғонишлар Давридан иборат. Аммо бу бўлиниш нисбий, албатта. Шу нуқтаи назардан қараганда тарихнинг залворли қадамлари Баҳри Уммон узра зафарона шиддат билан илдамлаётган шу даврда биз учун зинапоясимон ривожланишнинг яна бир босқичи бошланди. Бу босқич Учинчи Буюк Уйғониш Даври бўлиб тарихга кирса ажаб эмас. Президентимиз бошлаб берган мактаб ва олий ўқув юртларини ислоҳ қилиш амалий дастури мана шу Буюк Уйғониш Даврининг илк ғиштлари эканлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Миллий ўзлигини теран ва тобора равшанроқ англаётган, ким бўлгану, ким эди ва энди ким бўлаётганини тушуниб етаётган, томирида илми заковати билан оламни лол қолдирган аждодлар қони оқаётган халқ илм сирларини эгаллаш сари ўзининг саботли ва субутли қадамларини зафарона ташлаётгани бунинг яққол исботидир. Ўзлигини англаган халқнинг нималарга қодир эканлигига тарихнинг ўзи тез орада шоҳид бўлажак. Биз эса шу Буюк Уйғониш Даврининг илк нуқталаридан бошлаб ҳаракат қилувчилар сафида эканлигимиздан фахрланиш ҳиссини туйиш билан бирга, барча имкониятларимизни ишга солиб, юқори дил ва қалб ҳамда тафаккур билан меҳнат ва ижод қилишимиз шарт.

Жўманазар БЕКНАЗАРОВ

3


4

5

6

Миллат ва маънавият

Саховат



Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиш керак, деган доно гап бор. Эзгу мақсадли киши имкон топди дегунча кўчат экаркан ё бирор иморат бунёд этиш учун лоақал битта ғишт қўяркан. Орамизда шундай кишилар борки, ўнлаб чаманзорларга беҳисоб кўчатлар ўтқазишаётир ёхуд бошқа эзгу ишларни уддалашаётир. Дейлик, бугун камолга етаётган ўғил-қизларимизнинг муносиб таълим-тарбия олишлари учун кимлардир баҳоли қудрат ёрдам беришмоқда. Ўтган йили мактаб остонасига қадам қўйишган биринчи синф ўқувчилари юртбошимизнинг совға-саломларини олган эдилар. Бундай саховатдан мамлакатда бирор ўқувчи бенасиб қолмади. Умид билан суқилган таёқ, бир кун берар меваю япроқ деганларидек, бу саховат самараси келажакда юзага чиқишига умид қилса бўлади.

Ҳар қандай эзгу иш давом этгани каби келажагимиз бўлмиш болаларга ҳар томонлама саховат кўрсатиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Республика «Маданий моллари» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси фаолияти билан танишарканмиз, жамият бошқаруви раиси Собиржон Маҳмудов бир хат кўрсатди. Республика халқ таълими вазирлигидан келган ўша хатда мактаб ўқувчиларини дарслик китоблари билан таъминлашга ҳомий сифатида ёрдам беришларини сўрашган.

— Ўтган йили юртбошимиз барча бошланғич синф ўқувчиларини тўлиқ дарслик китоблари, бошқа зарур ўқув қуроллари билан таъминлашга бошқош бўлганлари биз учун катта сабоқдир, — дейди Собиржон Маҳмудов. — Бундан тегишли хулоса чиқарган ҳолда биз ҳам имкон қадар мактабларга ёрдам қўлимизни чўзамиз. Ҳозирга қадар оталиғимизда бўлган

Орамиздаги одамлар

Ҳамза туманидаги 423-болалар боғчаси ва Собир Раҳимов туманидаги 24-махсус мактаб-интернати ўқувчиларига холисонилло ёрдам бераётган эдик. Эндиликда халқ таълими бўлими мутасаддилари билан келишган ҳолда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига зарур дарслик китоблари сотиб олиб бериш ниятидамиз.

Аслида, мамлакатимиздаги барча мактабларда бу жамоанинг ўзига хос хизматлари бор. Неча йилдирки, бу жамоа республикамиз мактабларини зарур ўқув қуроллари билан таъминлаб келади. Илгари республика «Маданий моллари» идораси бўлган бу ташкилот 1993 йили ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Натижа ёмон бўлмади. Корхона ўтган йили 20 миллион сўм соф фойда кўрди. Бу йил июнь ойидан эътиборан очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган корхона жамоасининг режалари янада улкан.

Шу кунга қадар юз берган айрим иқтисодий қийинчиликлардан қоқилмай-суқилмай ўтиб келаётган корхоналарнинг тадбиркор раҳбарларига, меҳнат жамоасига тасанно айтсанг арзийди. Қарийб қирқ йилдан бери савдо соҳасида фаол меҳнат қилиб келаётган Собиржон Маҳмудов ҳам ана шундай ҳурматга лойиқ инсонлардан. Бугун у киши раҳбарлик қилаётган республика «Маданий моллари» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Чехословакия, Россия, Украина, Хитой каби давлатлардан зарур маданий молларни вақтида етказиб келаётир. Муҳими ҳар қандай шароитда мактабларимизда таълим олаётган ўғил-қизларимиз бирор марта ўқув қуролларига зор қолишмаётир. Албатта, бундай эзгу ишларни амалга оширишда Мавжуда Юсупова, Любовь Бугачева, Фурқат Муҳамедов, Ўроз Эшмуродов сингари ишчи-хизматчилар ҳам камарбастадир.

Тўлқин ЭШБЕК

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	58,28	1 Норвегия кронаси	12,54
1 Австрия шиллинги	8,19	1 Польша злотийси	27,32
1 Англия фунт стерлинги	171,38	10 Португалия эскудоси	5,63
10 Бельгия франки	27,91	1 Сингапур доллари	58,49
1 Голландия гульдени	51,03	1 СДР	137,36
10 Греция драхмаси	3,31	1000 Туркия лираси	0,37
1 Дания кронаси	15,13	1 Финляндия маркаси	18,92
1 БАА дирхами	28,19	1 Франция франки	17,17
1 АҚШ доллари	103,55	1 Швеция кронаси	12,48
1 Миср фунти	30,37	1 Швейцария франки	70,04
1 Ирландия фунти	144,22	1 ЭКЮ	113,75
1 Исландия кронаси	1,44	10 Жанубий Корея вони	0,78
10 Испания песети	6,78	10 Япония иенаси	7,33
100 Италия лираси	5,83	1 Россия рубли	13,17
1 Канада доллари	65,62	1 Украина гривнаси	46,04
1 Хитой юани	12,51	1000 Белорусь рубли	2,07
1 Қувайт динори	338,95	1 Латвия лати	171,46
100 Ливан фунти	6,82	1 Литва лити	25,89
1 Малайзия ринггити	24,58	1 Молдова лейи	21,66
1 Германия маркаси	57,57	1 Қирғизистон соми	5,22

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИНГ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ

Қуйидаги фанлар бўйича аспирантура ва докторантурага

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аспирантурага

1. Одам анатомияси — 1 ўрин
2. Гигиена — 1 ўрин
3. Фармакология — 1 ўрин
4. Жарроҳлик — 1 ўрин
5. Болалар юқумли касалликлари — 1 ўрин
6. Наркология — 1 ўрин

Докторантурага

1. Ички касалликлар — 1 ўрин
2. Жарроҳлик — 1 ўрин
3. Онкология — 1 ўрин
4. Гигиена — 1 ўрин

Аспирантура ва докторантурага қабул қилиш муддати эълон чиққандан сўнг бир ой.

Бизнинг манзилгоҳ:
Фарғона шаҳри, А. Навоий кўчаси, 13
Тел: 24-80-10

Дастурхонимиз кўрки



Ўзбекистонимизнинг шонли етти йиллик тўйи тарихда ўчмас из қолдириши аниқ.

Байрамга мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан, хорижий давлатлардан минглаб меҳмонлар юртимиз пойтахти гўзал Тошкентимизга ташриф буюрдилар. Ҳисоб-китобларга қараганда, байрам тантаналари уфуриб турган кезларда пойтахтимиз аҳолиси янада кўпайди. Қувонарлиси, шодиёна кунлари аҳоли ва меҳмонлар хизматига барча хизмат кўрсатиш соҳалари намунали ишлашлари учун чора-тадбирлар кўрилган. Таҳририятимиз ана шундай ташкилот ва корхоналарда бу борадаги ишлар қандай ташкил этилганлиги билан қизиқди. Шу мақсадда, аввало, аҳоли ва меҳмонларни энг зарур нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашни зиммасига олган «Тошкент-нон» ишлаб чиқарувчилар бирлашмасида бўлдик.

Истиқлол шукуҳи



Маълумки, бирлашма корхоналари тайёрлаётган маҳсулотлар пойтахтимиз аҳолисига манзур бўлмоқда. Оби нон, патир нон, тўёна нон ва шу сингари ўнлаб турдаги маҳсулотлар сифатлилик даражаси уларнинг мижозларини кўпайтирмоқда. Буни кунига қарийб бирлашма корхоналарида 500 тонна ун ишлатилаётганлигидан ҳам билса бўлади.

— Мустақиллигимизнинг дастлабки етти йиллиги Ўзбекистон халқи учун ҳавас қилса арзийдиган давр бўлди. Биз ҳам, яъни барча корхоналаримиздаги ишчи-хизматчилар ҳам бу қисқа даврда янги замонга хос шаклландик, — деб суҳбатни бошлади бирлашма раҳбари Абдували Норматов. — Эндиликда қўл учидаги меҳнат эмас, ҳақиқий меҳнат ва унинг халоватини кўрадиган замон келганлигини ҳис этмоқдамиз. Бу ҳисни эса корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларнинг дўконларда туриб қолмаётганлигидан сезамиз. Бу ҳистуйғу маҳсулотлар сифатига кескин эътибор беришимизни кучайтирди.

Янги-янги маҳсулот турлари кўпаймоқда. Байрам дастурхонига ўттиздан зиёд турдаги қандолат, нон ва нон маҳсулотлари тайёрланди. Уларнинг ҳар бири «Тошкент-нон» номига мос, бир-бирларидан бўрсилдоқ, тансиқ!

Янги маҳсулотлар ичида тўйимлилиги, айрим кишилар учун шифобахшлиги билан ажралиб турадигани кўп. Бирлашмага қарашли барча корхоналар тайёрлаётган нон ва нон маҳсулотларини тўғридан-тўғри дўконларга етказилиши ташкил этилган.

Нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам янгиликлар анчагина. Аксарият корхоналарда битта жойнинг ўзида нон ёпиш ва уни шу ернинг ўзида сотиш йўлга қўйилган. Албатта, бу ҳукуматимизнинг тизимга, нон ишлаб чиқарувчилар тармоғини ривожлантиришга эътиборни қаратаётганлигидан далолатдир. Қурилиш борасида амалга оширилган ишлар салмоғи ҳам чакки эмас. Чунки, топилган маблағларни тежамли сарфлаш ишга барака киритмоқда. Пойтахтимизнинг Чилонзор, Яккасарой туманларидаги бир неча мавзе ва гузарларида кичик нон заводлари қуриш ишларини ўз маблағларимиз ҳисобидан бошлаб юбордик. Айни кезда Мустақиллик байрами арафасида ана шундай кичик заводлардан бир нечтаси ишга тушди. Уларда Олмония технологияси асосида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди...

Биз мазкур бирлашмада олиб борилаётган ишлар билан байрам арафасида танишар эканмиз, бу оддий қонуниятнинг ўзига хос мукаммаллигига яна бир бор амин бўлдик.

Суҳбатимизга бирлашма бош технологи Гулчеҳра Ҳошимова қўшилди-да, гапни бу ерда ўтказилган «Тошкент-нон» корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар кўргазмасига буриб юборди.

— Мақсад мустақиллик байрами дастурхонига тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури ва кўринишлилигини оширишга қаратилди, — деди у. — Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари байрам кунларида биргина қандолат маҳсулотларининг 20 турдан ортиғидан манзур бўладилар. Уларда, энг асосийси, миллий новвойлигимизга хос хусусиятлар устувор бўлади.

Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: «Тошкент-нон» ишчиларидан бир гуруҳини кўриб турибсиз

Суратларни Шавкат АКРАМОВ олган

PINAR

Ўзбекистон халқини улуғ байрам — мамлакат мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан қизғин муборакбод этади. Ўзбек халқини қутлуғ тантана билан табриклар эканмиз, серқуёш ўлкадаги ҳар бир хонадонга осойишталик, тинчлик ва барака тилаймиз.

PINAR — *ҳаёт булоғи*

Африканинг «қайноқ» мамлакати

АҚШ вице президенти Альберт Горнинг фикрича, бу йил ёз иссиқ келган. Бу табиатнинг иши, албатта. Лекин сиёсий нуқтаи назардан олиб қарасак, бу йил ҳақиқатан ҳам Африка мамлакатлари учун «иссиқ» ёки «қайноқ» келди. Бир қанча давлатлардаги ҳарбий исёнлар, АҚШ элчихонасидаги портлашлар дунё жамоатчилигини ўзига қаратган. Собиқ Зоир, ҳозирги Конго Демократик Республикаси ҳам «қайноқ» нуқталардан бири бўлиб қолган.

Конго 1908 йилда Бельгиянинг мустамлакаси деб эълон қилинган бўлиб, иккинчи жаҳон урушидан кейин миллий озодлик ҳаракатлари кучайиши оқибатида 1960 йил 30 июнда мустақилликка эришади. Конго Миллий Ҳаракат партиясининг раиси Патрис Лулумба биринчи миллий ҳукуматга раҳбарлик қилди. Ўша йилнинг сентябрь ойида Патрис Лулумба ҳокимиятдан ағдарилиб, 1961 йил январида ўлдирилди. Мамлакатда эса ҳамон тўнтаришлар давом этаверди.

1965 йил ноябрда ҳарбий доиралар генерал Мабуту бошчилигида давлат тўнтариши қилди. (Мабуту 1982 йилда Маршал унвонини олди). 1960 йилдан то 1971 йилга қадар Конго Демократик Республикаси деб номланиб, сўнгра Зоир Республикаси деб атала бошлади. Фақатгина ўтган йили диктатор Мабуту Сесе Секо қўзғолончилар раҳбари Лоран Кабила бошчилигидаги қўзғолон натижасида ағдариб ташлангандан кейингина давлат яна ўзининг «чақалоқлигидаги» номини қайта олиб — Конга Демократик Республикаси деб атала бошланди.

Ўтган йилги исён аниқ бир мақсадга йўналтирилган эди, яъни диктатор ағдарилди. Бу йилги, яъни ҳозир ҳам давом этаётган исённинг мақсади нима? Наҳотки Лоран Кабила ҳукуматни бошқара олмаётган бўлса?

Ҳозирги аҳвол икки йил аввалги воқеаларни эслатади. Ўшанда Лоран Кабила мамлакат шарқида исён бошлаган, кейинчалик бу исён бутун мамлакатни қамраб олган эди. Натижаси маълум: диктатор Мабуту ағдарилган. Ўшанда ҳам исённи тутси қабиласи бошлаганди. Мана шу тутсилар Лоран Кабиланинг ҳокимиятга келишига катта ёрдам берди. Тутсиларга эса қўшни Руанда ва Уганда давлатлари моддий ва маънавий ёрдам берарди. Чунки улар бошқа қабилаларга қарши кураш олиб борарди. Бошқа исёнкор қабилалар эса Зоир ҳудудида жойлашган бўлиб, Мабутудан бевосита бўлмаса ҳам ими-жимида ёрдам оларди. Шунинг

Сиёсий иқлим

учун ҳам қўшни давлатлар Кабила ҳукумат тепасига келса «қўпорувчи» қабилаларни бир ёқлик қилади, деган умидлари ҳам йўқ эмасди. Аммо бу осон иш эмаслигини тарих кўрсатди.

Ҳокимият тепасига келган Лоран Кабила собиқ дўстларини унутди. Руанда билан чегараларни ёпиши «ўлганни устига тепган» бўлди. Шу сабабли бўлса керак Конгодаги тутси қабилалари яна қўлларига қурол олдилар. Кабилага исённи бостириш учун катта куч керак бўлади. Ҳозир Конго ҳукуматида ҳам, армиясида ҳам бошбошдоқлик ҳукм сурмоқда. Шу сабабли Кабилада куч ҳам, маблағ ҳам йўқ. Шарҳловчилар бу можаро бутун минтақага ёйилишидан ўзларининг ҳавотирини билдирмоқдалар. Киншаса радиосининг берган хабарига қараганда, Уганданинг мунтазам армияси Конго билан чегарани бузиб ўтиб, мамлакат ичкарисига қараб йўл олган.

Замбия, Танзания, Уганда, Намибия, Руанда ва Конго давлат президентлари бу можароларга нуқта қўйиш борасида фикр алмашдилар. Аммо бу натижасиз тугади.

Ҳозир минтақада аҳвол тобора мураккаблашмоқда. Бу эса можарони тинч йўл билан ҳал қилиш жараёнини орқага суради. Ҳақиқатан ҳам миллий озодликка ҳарбий йўл билан эришган кўплаб Африка давлатларида мустамлакачилар шундай тузум яратиб кетганларки, бу давлатларни фақат ҳарбийлар бошқаради. Барча муаммолар қурол орқали ҳал бўлади.

Африкадаги «қайноқ» мамлакат Конгодаги сиёсий ҳароратнинг қачон пасайиши кўп жиҳатдан ҳарбийларнинг «совушига» боғлиқдир.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ, шарҳловчи



Самолёт синиқлари тоғдан топилди

Мянмада бир ҳафтадан буён тақдири номаълум бўлиб турган «Фоккер-27» йўловчи самолётининг ҳалокатга учрагани тўғрисида расмий ахборот эълон қилинди. Машъум ҳалокат натижасида экипаж аъзолари билан бирга самолётдаги 39 йўловчи ҳам ҳалок бўлган.

Ҳукумат вакилининг айтишича, Янгон-Тачилек йўналиши бўйича парвоз қилган самолёт бўлаклари Тачилек шаҳри яқинидаги тоғдан топилган. «Фоккер-27» учувчисининг Тачилек аэропорти диспетчери билан бўлган сўнгги радиомулоқотида у йўналиш яхши кўринмаётганидан шикоят қилган, дейилади расмий хабарда.

Қурол-яроғ етказиб беришга тайёр

АҚШдан келтирилажак қурол-яроғлар Тайван мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун зарур, деб хабар тарқатди Тайбэй ҳукумати.


Маълумки, бундан бир мунча вақт олдин Пентагон маъмурияти Тайван қуролли кучлари учун 350 миллион доллар миқдорига тенг қурол-яроғ етказиб беришга тайёр эканини маълум қилган эди. Тайбэйнинг буюртмасига кўра, жумладан, ҳаво ҳужумидан ҳимояланувчи «Стингер» ракеталари, «Ҳаво-денгиз» русумли «Гарпун» ракета системалари ҳам келтирилади.

ХХР ҳукумати эса 1982 йилда қабул қилинган Хитой — Америка келишувига зид бўлган ушбу режага қатъиян норозилик билдиришини маълум қилди.

Асирлар қутқарилади

Эрон ҳукумати бундан бир қанча вақт муқаддам «Толибон» ҳаракати томонидан Мозори Шариф шаҳрида асир олинган 12 фуқаросини қутқариш учун барча имкониятларини ишга солади, деди Эрон ташқи ишлар вазири муовини Муҳсин Аминзода. Унинг айтишича, асирга олинган 11 дипломат ва ИРНА ахборот агентлиги мухбири ҳозирча соғ-саломат.

Исломободга келган Эрон ҳукумати вакили Покистон Бош вазири Навоз Шарифга ўз мамлакати раҳбарининг расмий мактубини топширди. Эрон вакилининг бу ерга ташрифи Исломобод билан «Толибон» ҳаракати ўртасида мустаҳкам алоқа борлиги билан изоҳланади. Унинг таъкидлашича, Покистон ҳукумати эронлик журналист ва дипломатларни қутқариш учун ёрдам бериш тўғрисидаги ваъдасини ҳамон бажармаяпти.



Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Шайх Ясиннинг айтганлари

«Хамас» ҳаракатининг маънавий раҳбари Шайх Аҳмад Ясин Тел-Авивдаги портлашда «Хамас»нинг қўли йўқлигини айтди.

Унинг сўзларига қараганда, «Хамас» ташкилоти тинч аҳолига нисбатан қўлланиладиган ҳар қандай қўпорувчилик ҳаракатига қарши туради. Бироқ, бу тамойил елкасига қурол осган Исроил фуқаросига нисбатан қўлланилмайди, деди у.

Шайх Ясиннинг айтишича, «Хамас»нинг Тел-Авивга қарши йўналтирилган қўпорувчилик ҳаракатлари Исроил қўшинлари Фаластин ерларидан чиқиб кетмагунча давом этаверади.

Сайловларда ғолиб чиқди

Белиз Бирлашган халқ партияси мамлакатда бўлиб ўтган парламент сайловларида ғолиб чиқди. Сайлов комиссиясининг маълумотларига қараганда, мазкур партия 29 сайлов округининг йигирма бештасида сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланган.

Мухолифатдаги партия етакчиси Саид Муса амалдаги ҳукумат раҳбари, Бирлашган Демократик партия вакили Мануэл Эскивел ўрнига Бош вазир вазифасини бажаришга киришади.

Маълумки, 1981 йилда мустақилликка эришган Белиз мамлакати давлат бошлиғи сифатида Буюк Британия қироличасини тан олади. Ўз навбатида қиролича вакили сифатида генерал-губернаторни тайинлайди. Саид Муса эса ўз ваколати даврида губернаторни миллий йиғилиш томонидан сайланишини йўлга қўймоқчи.


(ЎзА)

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси

Ўзбекистон халқини истиқлолимизнинг етти йиллик тўйи билан самимий табриклайди.

Мамлакатимизда кенг миқёсда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар халқимизни нурли манзилларга етказишига ишонамиз. Зеро, Оила йилида амалга оширилаётган тадбирларнинг асосий мақсади ҳам шу. Мустақиллик байрамини барча қатори пойтахт йўловчи ташиш транспорти ишчи-хизматчилари ҳам кўтаринки руҳда кутиб олишмоқда. Уларнинг нияти — давлатимиз иқтисодий қудратини янада оширишдир. Ватанимиз тараққиётнинг ойдин йўлидан дадил одимлайверсин! Жонажон диёримиз иқболи ҳамиша баланд бўлсин! Ана шу қутлуғ айём кунларида ҳар бир хонадонга тинчлик, хотиржамлик тилаймиз!

Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!



«Сирдарёвилоятдонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик уюшмаси жамоаси



Барча юртдошларимизни қутлуғ байрам — мустақиллик куни билан чин дилдан муборакбод этади.

Маълумки Ўзбекистон мустақил деб эълон қилингандан сўнг ўтган етти йил мобайнида мамлакатимизда қатор иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар амалга оширилди. Кўплаб хорижий мамлакатлардаги ҳамкорлар билан биргаликда иш юритилиб, юксак ижобий натижаларга эришилди. Шунингдек, мамлакатимиздаги ғалла мустақиллиги сари ташланган қадамлар ҳам ўз ижобий натижаларини берди. Буни ҳусусан, Сирдарё вилоятида қилинган ишлар ҳам исботлаб турибди.

Биз, қайта ишловчилар ана шу ғалла ҳосилидан халқимиз учун сифатли маҳсулотлар тайёрланишига муносиб ҳиссамизни қўшаверамиз. Ўз навбатида юртимизнинг бойлигини оширишга ҳаракат қиламиз. Мустақил Ўзбекистонимиз бундан буён ҳам гуркираб ривожланаверсин. Юртдошларимиз хонадонидан тинчлик, хотиржамлик, дастурхонларидан иссиқ ва бўрсилдоқ нон ҳиди сира аримасин!

«Сирдарёвилоятдонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик уюшмаси

«Ўзгўштсутсавдо» акционерлик уюшмаси жамоаси

1 сентябрь

Ўзбекистон халқини, юртимизда яшаётган барча фуқароларни истиқлолнинг шонли етти йиллик байрами билан чин дилдан мубораквод этади. Аввалambор юртимизда тинчлик, барқарорлик ҳукм суришини тилаймиз.

Етти йил мобайнида мамлакатимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Чуқур иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилляпти. Бизнинг уюшмамиз аъзолари ҳам халқимиз дастурхонини тўкинлаштириш борасида камарбасталик билан меҳнат қилаётирлар.

Мамлакатимиз халқини қутлуғ байрам билан табриклар эканмиз, ҳар бир хонадонда тинчлик, осойишталик бўлишини истаймиз. Ҳар бир оиланинг дастурхони тўкин бўлсин!

«Ўзгўштсутсавдо» акционерлик уюшмаси жамоаси



кўрди. Сўнгги икки-уч йил мобайнида республикамизнинг Самарқанд, Бухоро вилоятларига оддий велосипедда, Олмалиқ, Янгийўл сингари шаҳарларга эса пиёда бориб келиб, жиддий синовлардан ўтди.

Республика давлат спорт қўмитаси сайёҳга ҳомийлик қилмоқда. Шунингдек, бошқа бир қатор ташкилотлар ҳам бу хайрли ишга хайрихоҳлик билдириб, ўз ёрдамларини аямади. Жумладан, «Олимп» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси сайёҳга махсус велосипед тайёрлаб берган бўлса, «Тоҳир Малик» фирмаси велосипедга мослаб жиҳозлар тикиб берди.

Шундай қилиб, Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси — 54 ёшли истеъфодаги капитан Мурод Қосимов ўзбек сайёҳлари орасида биринчи бўлиб дунё бўйлаб сафарга чиқмоқда. У ўзи билан онадиёримизнинг бир ҳовуч тупроғини, республикамиз байроғи, кўҳна шаҳарларимиз фото-суратлари жамланган альбомни олиб кетяпти. Мақсади — келажаги буюк давлатимизнинг мустақиллик йилларида эришган оламшумул ютуқларини тарғиб қилишдир.

— Юртбошимиз таъкидлаб айтганларидек, ҳеч бир

Ўзбек сайёҳи велосипедда дунё кезади



Мурод ака ёшлигидаёқ сайёҳ бўлиб, узоқ-узоқларга сафар қилишни орзу қиларди. Ниҳоят, ниятига етадиган бўлди. Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 7 йиллиги байрами кунлари — 2 сентябрда у велосипедда узоқ сафарга отланмоқчи. Ўша куни республика олимпия шон-шуҳрати музейи атрофида сайёҳни кузатиш маросими ўтказилади. Роппа-роса 3 йил давом этадиган бу сафар жонажон республикамиз мустақиллигининг 10 йиллик тўйи тантаналарига бағишланган бўлиб, 2001 йилнинг 1 сентябрь куни пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида ниҳоясига етади.


Сайёҳ сафар давомида дунёнинг 25 мамлакатида бўлади. Туркманистон, Озарбойжон, Арманистон, Туркия ҳудудларидан ўтиб, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони каби мамлакатларга йўл олади.

Умр бўйи спорт билан шуғулланиб келган, соғлом ва бақувват Мурод Қосимов бўлажак юришга олдиндан пухта ҳозирлик нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди. Шу боис дунё бўйлаб сафар қилиб, гуллаб-яшнаётган Ўзбекистонимизни жаҳон халқига баҳоли-қудрат танита олсам ўзимни бахтли деб ҳисоблайман, — дейди сайёҳ Мурод Қосимов.

Биз ғоят машаққатли, фахрли сафарга отланаётган юртдошимизга оқ йўл тилаб қоламиз. Зеро, кўнглига миллий ғурур ва ифтихор ҳиссини туйган одамнинг йўли бехатар, нияти мустажоб бўлғай.

Ортиқали ***ТИЛОВБЕРДИЕВ***

ART PLAST



СУВ ТАЪМИНОТИ, ИСИТИШ ВА СОВУТИШ ТАРМОҒИ УЧУН ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ:

- КОРРОЗИЯГА УЧРАМАЙДИ;
- ЧЎКИМТАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛМАЙДИ;
- ҲИДЛАНМАЙДИ;
- ГИГИЕНА ЖИҲАТДАН ХАВФСИЗ;
- ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОР;
- ОСОН ЎРНАТИЛАДИ;
- ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ.

ART PLAST Ўзбекистон халқини Мустақиллик байрами билан қутлаб, уларга бахт-саодат, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик тилайди.

Тошкент шаҳри, Фарҳод бозори ярмаркаси, 36-сонли дўкон. Тел.: 76-60-85, 75-66-42.

SILVER GLOBE LTD.ŞTİ.

Бутун ўзбек халқини Мустақиллик байрами билан муборакбод этади! Келажаги буюк давлат бўлган Ўзбекистон ва қардош ўзбек халқига ҳуррият абадий ёр бўлсин! Қардошларимиз шодлиги бизнинг ҳам шодлигимиздир!

Манзил:
Тошкент ш. Қибрай-Дўрмон, Юқори юз кўчаси, «Дўстлик» дўкони.
Тел: 64-75-46,
факс: 64-20-70

«Истиқлол мушоираси» ўйланмаси

Кун келгай, тилингда сўзлагай 20, 2, 10, 7, 3, —

Ўзбек, Ўзбекистон!

6. Муҳаммад Юсуф: «Ўзбекмомо» шеъридан:

Фаришталар файзи ёғар юзларингдан
Аримасин қувонч энди, ўзбекмомо.
Юрсанг офтоб эргашади изларингдан,
7, 21, 18, 7, 25 бўлиб нур соч энди, ўзбекмомо.

7. Муҳтарама Улуғова: «Истиқлол» шеъридан:

12, 19, 6, 2, 4 умрига эш дуолар ҳаққи,
Самандар мисоли муддаолар умри,
Эзгулик мулкига фидолар умри —
Мангулик кўксида бир туғ бўлиб чол,
Истиқлол.

8. Мирзо Кенжабек: «Туркистон» шеъридан:

Бир кун 18, 2, 17, 24, 1, 9 ила келдик, англадим:
Англаган инсонга келди Туркистон!

9. Саъдулла Ҳаким: «Истиқлол қасидаси» шеъридан:

Истиқлол кўзлари
Ватан бағрин гўзал бўстон этайлик биз.

3. Эркин Воҳидов: «Ватанда беватан бўлдим» шеъридан:

Шукурким, келди Истиқлол,
Умидим рост қил, Оллоҳим,
Ки шояд беқафас булбул —
Каби соҳиб 15, 2, 9, 2, 3 бўлдим.


4. Усмон Азим «Ватанингни ўстир...» шеъридан:

Бир сўз бор — юксак туғ — ифтихоримда,
Тиригимда — номус, ўлганимда — 16, 2, 17, 3.
Бир сўз бор — жон унинг ихтиёрида,
Худодай улус бир сўз бордир — 14, 2, 18, 2, 3.

5. Азим Суюн: «Ўзбек, Ўзбекистон!» шеъридан:

Тоза отнинг тоза бўлгайдир зоти,
«Асл тулпор экан ўзбекнинг оти...»
Муборак, эй, юртим! Қирқ газ қанотли!
Минг йиллик тарихдан сабоқ оладир.
Ўзбек омон бўлса у ҳам қоладир,
Чўнг тарих ўғлони 9, 8, 25, 7, 5, 2, 4 юртим.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқич жавобларидаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ечинг. Ундан шоир Исмоил Тўхтамишевнинг «Ўзбекистон — онажоним, ҳур диёр» туркумидан тўрт мисра аён бўлади.



Ўйланма

Жавоблар белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзилади.

1. Ҳафта ҳисоби бўйича Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган кун. 2. Қўлга киритилган ютуқ, ғалаба. 3. Самарқанд вилоятидаги туман. 4. Энг кўп етиштириладиган ҳосил. 5. Республикамизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилот. 6. Анъанавий теннис мусобақаси. 7. Халқаро йўналишларда парвоз этаётган аэробус русуми. 8. Амударёнинг чап соҳилидаги шаҳар. 9. Миллий спорт тури. 10. Ижтимоий-сиёсий ҳафталик газета. 11. Миллий ипак газлама. 12. Оловкорлар шаҳри. 13. Мамлакатимиз жанубидаги обод этилган чўл. 14. Акциядорлик тижорат банкларидан бири. 15. Халқаро кенглик станцияси жойлашган шаҳар. 16. Автомобилсозлар шаҳри. 17. Марказий Осиёдаги тизма тоғ. 18. Устоз санъаткор Муқаррама Турғунбоева асос солган рақс дастаси.

Тузувчи: Фозилжон ***ОРИПОВ***

Азиз муштарий!

Қуйидаги мисраларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

(Газетанинг навбатдаги сони 5 сентябрь — шанба куни чиқади.)

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир уринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-44-55.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55,133-47-80.
факс — 133-38-55,133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухородa — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-89.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ, навбатчи Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 19.629 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г —0313

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 3 00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА